

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЮСУПОВА НАЗОКАТХОН ВАХОБХОН ҚИЗИ

**ФАНЛАРАРО АЛОҚАДОРЛИК ВОСИТАСИДА БЎЛАЖАК
ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертациидоктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Юсупова Назокатхон Вахобхон кизи.

Фанлараро алоқадорлик воситасида бўлажак ўқитувчиларни касбий
компетенцияларини ривожлантириш..... 3

Юсупова Назокатхон Вахобхон кизи.

Усовершенствование профессиональной компетенции будущих учителей
посредством межпредметной связи.....22

Yusupova Nazokatxon Vaxobxon qizi.

Development of professional competence of future teachers in the field of
Science and communication.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works46

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЮСУПОВА НАЗОКАТХОН ВАХОБЖОН ҚИЗИ

**ФАНЛАРАРО АЛОҚАДОРЛИК ВОСИТАСИДА БЎЛАЖАК
ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Ped706 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида – www.tdpu.uz ҳамда “Ziyonet” ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ибрагимов Холбой Ибрагимович
педагогика фанлари доктори, профессор

Исакулова Нилуфар Жаникуловна
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.:(99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.)

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ да тарқатилди.

(2021 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М.Э.Хайдаров

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, пед.ф.д., профессор

Р.Г.Исянов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, пед.ф.н. доцент

НА.Муслимов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, пед.ф.д. профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни фанлараро алоқадорлик асосида ўқув жараёнини ташкил этишга тайёргарлигини такомиллаштиришнинг креатив моделлари амалиётга татбиқ этилмоқда. Халқаро ташкилотлар ва ривожланган давлатлар томонидан қабул қилинган 2030 йилгача янги таълим концепциясида “Таълим тараққиётининг асосий ҳаракатлантирувчи куч ва барқарор ривожланиш мақсадларига етказувчи муҳим фаолият”¹ деб эътироф қилинган. Бу эса, ўқитиш методикасининг такомиллаштириш, талабаларнинг дидактик ҳамда методик тайёргарликларини илғор хорижий тажрибалар асосида ривожлантириш, электрон ахборот таълим ресурсларини яратиш, таълим жараёнини креатив моделлар асосида такомиллаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, ўқув-тарбия жараёнини оптималлаштиришнинг педагогик механизмларини яратиш, фанлараро алоқадорлик, муаммоли таълим, билимлар синтези, дидактик маълумотлар тизимини такомиллаштиришга оид илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, бўлажак ўқитувчиларни ўз йўналишига бирламчи фундаментал тайёрлаш, ўқув фанлари мазмунида фанлараро боғланишни ўрнатишга тизимли ёндашув, турли соҳалар ўртасидаги мавжуд объектив боғланишларини такомиллаштириш, ўқув фанлари ва курсларни ўқитишда фанлараро алоқадорликни такомиллаштиришга доир илмий-тадқиқот ишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда сўнгги йилларда олий таълимни модернизациялаш, ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлик сифатини тажрибалар асосида такомиллаштириш, педагогик олий таълим муассасаларида талабаларни психологик-педагогик ва методик жиҳатдан тайёрлашни янада такомиллаштириш, талабаларда юқори даражали компетентликни шакллантиришнинг меъёрий асослари яратилди. Бунда “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш” йўналиши устувор вазифа этиб белгиланди². Натижада, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантиришга, фанлараро алоқадорлик принципларини таълим жараёнларида қўллаш имкониятлари кенгайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий

¹ Incheon declaration // Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (World Education Forum, 19-22 may 2015. Incheon, Republic of Korea). – 48 p.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. № 6(766), 70–модда.

таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фанлараро алоқадорликдан таълим жараёнида фойдаланиш Б.Абдуллаева, З.Э.Азимова, Г.Р.Алимова, С.Алихонов, С.Т.Алиқулов, М.Арипов, И.В.Макухина, Х.Б.Норбўтаев, А.А.Саломов, А.Ч.Чориев, А.В.Усоваларнинг илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишган. Компетенциявий ёндашув бўйича Б.Н.Алимов, Й.М.Асадов, С.Н.Акбарова, С.Бабаджонов, Р.Файзуллаев, Н.А.Муслимов К.З.Маматкаримов, Н.Ш.Турдиев, Д.Ш.Темиров, М.М.Ваҳобов, А.А.Хасановлар шуғулланишган.

МДХ мамлакатларида табиий-математик ва техникo-технологик фанларнинг ўзаро боғланиши, бўлажак мутахассис ўқитувчини тайёрлашнинг назарий ва амалий масалалари Т.К.Александрова, Алиев Маджид Ибод оглы, К.А.Баротов, А.Р.Бектеньярова, П.М.Бурдин, В.М.Баляйкина, М.Г.Данильченко, Д.П.Ерыгин Н.И.Горбачева, Н.В.Груздева, И.Г.Кулагин, В.Б.Келбакиани М.В.Лабутина, Т.А.Маскаева, Н.В.Малехов, В.П.Максимова, Л.Н.Орлова, Л.М.Панчешникова, Н.Д.Чегодаева, Ф.Г.Зейналов, И.Д.Зверевлар олиб борган. Таълимда компетенциявий ёндашувни Р.М.Асланов, З.М.Большакова, С.А.Королькова А.В.Синчуков, Н.Ф.Радионова, Н.Н.Тулькибаева, А.В.Тимова, И.А.Зимнялар ўрганишган.

Европа мамлакатларида талабаларнинг касбий компетенциялари ва кўникма-малакаларини ривожлантириш бўйича Françoise Delamare Le Deist, Winterton Jonathan, С. David Mortensen, Stein Bråten, Keith Oatley, Antony Mansteadлар томонидан ёритилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Бошланғич синф ўқитувчилари учун фанлардан мультимедиали дарс ишланмалари мажмуасини яратиш” (2015-2017 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади фанлараро алоқадорлик воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фанлараро алоқадорлик воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенциясини ривожлантиришнинг педагогик-психологик имкониятларини таҳлил этиш;

фанлараро алоқадорлик воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш моделини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

фанлараро алоқадорлик воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенциясини ривожлантириш босқичларини такомиллаштириш;

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникма ва малакаларини шаклландириш даражаларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида фанлараро алоқадорлик воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенциясини ривожлантириш жараёни белгиланиб, унда Тошкент давлат педагогика университети, Қўқон давлат педагогика институти, Андижон давлат университетларнинг жами 458 нафар таълим олувчилари иштирок этган.

Тадқиқотнинг предметини фанлараро алоқадорлик воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенциясини ривожлантиришнинг шакл методи ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган назарий (таҳлилий синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик эксперимент ва математик методлар (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқ.) каби усуллар мажмуи қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

фанлараро алоқадорлик воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенциясини ривожлантиришнинг психологик педагогик, методик, фактик, тушунчавий, назарий, фалсафий боғланишлар каби педагогик имкониятлари ташкилий педагогик шарт-шароитлари таркиби рефлексив ёндашув воситасида тизимлараро ва концептуал-методологик функциялари синергетик ёндашув бўйича фанлараро йўналишларни тизимлаштириш асосида кенгайтирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенциялари педагогик-психологик имкониятларини таҳлил этиш, фактик, тушунчавий, назарий, фалсафий фанлараро боғланишларни тармоқ, курс, мавзулар ва машғулотларни режалаштириш даражасини умумий коммуникатив қадриятлар, шахслараро мулоқотни амалга ошириш, касбий идеал даражаси, касбий мулоқот, муаммоли ёндашувлар билан узвий алоқадорлигини таъминлаш орқали такомиллаштирилган;

фанлараро алоқадорлик воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш модели концептуал, мақсадли, мазмунли ёндашувлар воситасида ижодий фаолият усулларини ўзаро интеграциялаш ўқув

мотивларини кучайтириш, компетенцияларни шакллантириш тузилмаси мотивация, когнитив, фаолият ва натижаларни баҳолаш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникма, оғзаки ва ёзма нутқ малакалари, функционал, ҳисоблаш, расмий-мантикий, ҳисоблаш-ўлчаш, бадий-тасвирий, график, фикрлаш фаолияти, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенциясини ривожлантириш босқичларини мувофиқлаштиришга устуворлик бериш орқали умумий малакалари фанлараро интеграцион ёндашув асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

компетенциявий ёндашувга асосланган таълимда бўлажак ўқитувчилар фанлараро алоқадорлик асосида босқичма-босқич йўналтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенциясини ривожлантириш моделини такомиллаштирилган;

фанлараро боғланишлар бўйича методик тавсияномалар ишлаб чиқилган ҳамда «Математика» дарслиги нашр этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда шакллантирилган қоидалар, хулоса ва тавсияномаларнинг асосланганлиги ва ишончлилиги илмий билиш методологияси, билиш назариясининг мантикий, турли назарий ва эмпирик методларнинг қўлланилиши, ўрнатилган қоидаларнинг тажрибада текширилиши, дастлабки фаразларнинг асосий хулосаларга мос келиши, шунингдек, илғор тажрибаларни ҳамда умумий ўрта таълим мактабидаги ва педагогика ОТМдаги шахсий иш тажрибасини умумлаштириш билан таъминланади. Тадқиқотда баён қилинган мақолаларда, тезисларда, методик тавсияномаларда нашр этилган илмий натижаларда муаллифнинг шахсий иштироқи муаммо ечимининг назарий ва илмий-амалий асосланишида ифодаланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фанлараро алоқадорлик воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенциясини ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари, фанлараро боғланишлар (фактик, тушунчавий, назарий, фалсафий)ни тармоқ, курс, мавзулар ва машғулотларни режалаштириш даражалари ўрганилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти педагогика Олий таълим муассасалари учун янги авлод дарслик, ўқув ва методик қўлланмаларини яратишда ишлаб чиқилган методик тавсияномалар, бўлажак ўқитувчилар педагогик, методик билим ва малакаларининг ўзаро боғланишлари ва моделдан фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фанлараро алоқадорлик воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенциясини ривожлантиришга оид олинган илмий натижалари асосида:

тизимлараро ва фанлараро йўналишларини тизимлаштириш асосида кенгайтирилган фанлараро алоқадорлик воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг

касбий компетенциясини ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари (психологик, педагогик, методик, фактик, тушунчавий, назарий, фалсафий боғланишларни)га оид таклиф ва хулосалардан “Касб таълими мазмунини модернизациялаш асосида ўқитувчилар касбий компетентлигини шакллантириш технологияси” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 декабрдаги 89-03-5082-сон маълумотномаси). Натижада, фанлараро алоқадорлик воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришга хизмат қилган;

муаммоли ёндашувлар асоси орқали такомиллаштирилган фанлараро боғланишлар(фактик, тушунчавий, назарий, фалсафий)ни тармоқ, курс, мавзулар ва машғулотларни режалаштириш даражасига оид таклиф ва хулосалар асосида “Математика” дарслиги ишлаб чиқилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 522-сон буйруғи, № 522-090). Натижада, фанлараро алоқадорлик бўйича самарали таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

ижодий фаолият усулларини ўзаро интеграциялаш ўқув мотивларини кучайтириш асосида такомиллаштирилган фанлараро алоқадорлик воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш моделига оид таклиф ва хулосалар Математика” дарслиги ишлаб чиқилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 522-сон буйруғи, № 522-090). Натижада, фанлараро алоқадорлик воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенциялари педагогик амалиётда ривожлантиришига хизмат қилган;

фанлараро интеграцион ёндашув асосида такомиллаштирилган бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникма, оғзаки ва ёзма нутқ малакалари, функционал, ҳисоблаш, расмий-мантикий, ҳисоблаш-ўлчаш, бадий-тасвирий, график, фикрлаш фаолиятининг умумий малакаларига оид таклиф ва хулосалар Математика” дарслиги ишлаб чиқилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 522-сон буйруғи, № 522-090). Натижада, фанлараро алоқадорлик воситасида бўлажак ўқитувчилар-нинг малакалари такомиллашувига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та республика ҳамда 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 14 та иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 5 та шундан (4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 140 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил этилган ва умумлаштирилган, хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **«Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенцияларини фанлараро алоқадорлик воситасида ривожлантиришнинг назарий асослари»** деб номланган биринчи бобда олий таълим тизимида фанлар орасидаги ўзоро боғланишларни такомиллаштиришнинг педагогик имкониятлари, талабаларнинг касбий компетенцияларини фанлараро алоқадорлик тамойили асосида ривожлантиришнинг дидактик тизими ҳамда фанлараро боғланишлар асосида талабаларни билим ва кўникмаларининг ривожлантириш ҳолати ёритилган.

Илмий-тадқиқот, методик ишларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг касбий-педагогик, методик тайёргарлигида фанлараро боғланиш муаммоси ҳозирги вақтгача етарли даражада ёритилмаган. Фанлараро боғланишлар педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Фанлараро боғланишларнинг методологик функцияси талабалар томонидан билимларни тизимли ўзлаштириш, ўқув фани тизимида тайёргарлик жараёнини методик такомиллаштиришни таъминлайди.

Фанлараро боғланишларга ёндашувлар турли-туман бўлиб, моҳияти ва уларнинг турларини тушунишдаги илмий позициялари тадқиқотнинг фанлараро боғланишлар асосида ҳал қилинадиган конкрет педагогик вазифалари ва илмий методлар орқали аниқлашга имкон яратади.

Фанлараро боғланишларнинг дидактик асослари ўқув дастурини турли элементлар бирикмасини назарда тутувчи ўқув билимларининг интеграциясида ифодаланади, ундан биргина ҳодисанинг талқин қилинишидаги қарама-қаршиликларни бартараф қилиш талаби келиб чиқади, ўрта мактабдаги ўқув фанларининг бир-бирига мувофиқлиги ҳар бир ўқув фанининг методикасини муваффақиятли ишлаб чиқишнинг зарурий дидактик шarti ҳисобланади.

Бир ўқув фанидан олинган билимларни бошқасини ўзлаштиришда кўчириш усулини эгаллаш талабаларнинг таҳлилий-синтезлаш фаолиятига маълум масалаларни ҳал қилишга катта мақсадга йўналтирилганликни киритади. Натижада, мустақил ишлаш методларининг фаоллигини оширади, фикрлаш фаолиятини энг яхши ташкил қилинишини таъминлайди,

касбий-педагогик фаолиятнинг ҳам умумий, ҳам хусусий масалаларини ҳал қилишда қуйидаги мантиқий кетма-кетликни ҳосил қилади: Ўқув фанларининг боғланишини ўрганиладиган умумий масалаларни у ёки бу фаннинг тадқиқот предметини ва объектини таҳлил қилишдан бошланади.

Мазкур вазифалар фанлараро боғланишлар ёрдамида ҳал қилиниши мумкин, чунки табиий-илмий туркум фанларининг табиат ҳақидаги умумий билимлар, билишнинг умумий методологияси ва методлари (диалектик, тизимли-тузилмавий методлар, кузатишнинг физик-кимёвий методлари, атамалар, символлар, формулаларнинг тили, ўлчов бирликларининг умумийлиги, математик аппарат), умумий мажмуавий муаммолар (табиатни муҳофаза қилиш, унинг ресурсларидан рационал фойдаланиш, космосни, дунё океанини ва энергетикани ўзлаштириш ва б.), замонавий ишлаб чиқаришда билимлардан техник фойдаланиш билан боғланган умумийлигига таянади. “Физика”, “Кимё”, “География”, “Астрономия”, “Математика” фанларининг ўзаро боғланишлари материя ҳаракатининг табиатда мавжуд бўлган турли шакллариининг объектив боғланишларини акс эттиришдан иборат.

Табиий-илмий туркум ўқув фанлари умумий методологик, фундаментал илмий ғояларни, қонунлар ва тамойилларни (эволюцион ривожланиш, материя ва энергиянинг сақланиши, даврийлик, нисбийлик, тамойиллилик, тизимийлик, боғланиш, симметрия) ўз ичига олади. Дидактикада фанлараро боғланишни синфларга ажратишнинг объектив асоси ҳисобланган ўқув фанлари тузилмасининг умумийлигидан ҳамда ўқув жараёни тузилмасидан келиб чиқиб, уларнинг учта асосий яъни мазмунли-ахборот, операцион-фаолиятли ва ташкилий-методик типларга ажратилиши аниқланган.

Ўқув фанининг ҳар қандай тузилмавий элементини ўқитиш жараёнида фанлараро боғланиш асос бўлиб хизмат қилади. Ҳар бир ўқув фанининг (махсус илмийлардан ташқари) мазмунида методологик ва мафкуравий билимларнинг элементлари ётади. Фанлараро боғланишларни билимларнинг мазмуни асосида мазмунли-ахборотли типга киритиш мумкин. Бу типдаги боғланиш турлари қуйидагиларга бўлинади:

Илмий билимларнинг таркибига кўра (фактологик, тушунчавий, назарий) билиш тўғрисидаги билимлари бўйича (фалсафий, тарихий-илмий, яъни гностик, семиотик, мантиқий), кадриятларга йўналтирилганлик ҳақидаги билимлар бўйича (мафкуравий, яъни диалектик-материалистик, ғоявий-сиёсий, сиёсий-иқтисодий, этик, эстетик, ҳуқуқий).

Турли ўқув фанларини ўқитишда ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятидаги ва малакаларидаги усулларни операцион-фаолиятли типга киритиш тўғри бўлади деб ўйлаймиз. Операцион-фаолиятли боғланишларнинг ўзига хос типини ажратиб кўрсатиш ва амалга ошириш зарурати билиш фаолиятини аниқловчи мазмуний ва жараёний элементлардан (фан методлари; билишнинг ижодий фаолиятни ўз ичига олувчи умумлашган усуллари; ўзига хос малака ва кўникмалар; фан тиллари) ташқари таълим олувчиларнинг ўқиш жараёнидаги бошқа тур фаолиятларини ҳам ўз ичига олади ўқув фанининг тузилмаси билан белгиланган ва бу фаолият турлари педагогика олий таълим муассасасида

бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш предметига айланиши зарур, чунки айнан педагогика олий таълим муассасасида талаба мактаб ўқитувчиси фаолиятининг бўлажак касбий моделини моҳиятан ўзлаштиради.

Ўқув фаолияти мураккаб синтетик хусусиятга эга. Унинг асосини билиш фаолияти ташкил қилади, биров ўқув билиш жараёнида талабалар бошқа фаолият элементларини амалга оширадilar: амалий, коммуникатив, эстетик, кадриятли-йўналтирилган. Операцион-фаолиятли типдаги фанлараро боғланишларнинг турлари қуйидаги мезонларга кўра фарқ қилади:

назарий билимларни қўллашда амалий фаолият усулларига кўра – “амалий”, бундай боғланишлар бўлажак ўқитувчиларда ҳаракат, меҳнат, конструктив-техник, ҳисоблаш-ўлчов, ҳисоблаш, экспериментал, кашфиётчилик, нутқ билим ва малакаларини ҳосил қилишга ёрдам беради;

янги билимларни “излаб топиш”да ўқув-билиш фаолияти усуллари бўйича “билиш”, бундай боғланишлар фикрлаш, ижодкорлик, ўқув, ташкилий-билиш (режалаштириш, ташкил қилиш ва ўз-ўзини назорат қилиш), мустақил фаолият каби ўқишнинг умумлашган малакалари;

кадриятли-йўналтирилган фаолият усулларига кўра “кадриятли-йўналтирилган”, бундай боғланишлар талабаларнинг дунёқарашларини шакллантиришда катта аҳамиятга эга бўлган баҳолаш, коммуникатив, бадий, эстетик фаолият малакалари ҳосил қилиш учун зарур.

Фанлараро боғланишлар ўқитиш жараёнида амал қиладилар ва у ёки бу методлар ва ташкилий шакллар ёрдамида амалга ошириладилар. Бу ташкилий-методик боғланишларнинг дастлабки икки типига бўйсунадиган, мустақил аҳамиятга эга бўлган иккиламчи боғланишни ажратиб олиш имконини беради. Бу типдаги фанлараро боғланишлар ўқитиш методларини, усулларини ва ташкил қилиш шаклларини бойитади.

Улар талабаларга ўқув фанлари учун умумий бўлган касбий билим ва малакаларни ўзлаштиришнинг самарали йўлларини таъминлайди. Бу типдаги боғланиш турлари қуйидагиларга бўлинади:

турли кўринишдаги билимлардаги боғланишларни ўзлаштириш усуллари бўйича (репродуктив, изланиш, ижодий);

амалга ошириш қамрови бўйича (курслараро, туркум ичида, туркумлараро);

амалга ошириш вақти бўйича (изчил, биргаликда, истиқболдаги);

фанларнинг ўзаро боғланиш усули бўйича (бир томонлама, икки томонламала, кўптомонлама);

амалга ошириш доимийлиги бўйича (эпизодик, доимий, тизимли);

ўқув-тарбиявий жараёни ташкил қилиш даражаси бўйича (аудиторияда, мавзувий ва б.);

талабалар ва ўқитувчилар ишини ташкил қилиш шакллари бўйича (индивидуал, гуруҳда, жамоада).

Талабанинг умумий ўрта таълим мактабида фанлараро боғланишни амалга ошириш бўйича фаолиятининг касбий-педагогик аҳамиятга эга бўлган натижаларини педагогик амалиёт жараёнида аниқлаш мумкинлиги аниқланди.

Шунинг учун ҳам талаба фаолияти педагогика олий таълим муассасасида касбий тайёрлашнинг инвариант тизимига умумий ўрта таълим мактабида мақсад, мазмун, восита, ўқитувчи, ўқувчи, натижа каби компонентлардан иборат бўлган у ёки бу ўқув фанини ўқитиш тизимига бўйсунди, деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг **“Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенцияларини фанлараро алоқадорлик воситасида ривожлантириш тизими”** деб номланган иккинчи бобида бўлажак ўқитувчиларда фанлараро алоқадорлик воситасида талабаларни касбий фаолиятига тайёрлаш мазмуни, фанлараро алоқадорлик воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш модели ҳамда фанлараро боғланишларнинг талабалар билими ва малакалари сифатига таъсири масалалари ёритилган.

Фанлараро алоқадорлик асосида таълим жараёнига тайёргарлигини такомиллаштириш таълим мазмунининг таркибий қисмлари билимлар, фаолият усуллари, ижодий фаолият усуллари ва таълим тарбия узвийлиги тадқиқот ишимиз мазмунини белгилайди. Бўлажак ўқитувчиларда фанлараро алоқадорлик воситасида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг мазмуни, методлари, воситалари ва шакллари (билимларни тиклаш, билимларни янгилаш, билимларни коррекциялаш, билимларга амал қилиш, башорат қилиш) асосида аниқланди (1-жадвалга қаранг):

1-жадвал.

Фанлараро боғланишга тавсия этиладиган методлар

№	Методлар	Фанларо боғланишдаги вазифалари
1.	репродуктив метод (маъруза, назарий семинар, баён қилиш)	мустаҳкамловчи ва умумлаштирувчи дарслар ва амалий ишларда ўқитувчининг пухта тайёргарлиги асосида фойдаланиб, анъанавий таълим тизимида устунлик қилади
2.	мантикий методлар (индуктив, дедуктив, таҳлилий, бош ғояни ажратиш, қиёслаш, умумлаштириш)	фанлараро интеграциялашув асосидаги ўқув материалидаги маълумотларни ажрата олиш, қиёслаш, таққослаш, умумий хулоса чиқаришдан иборат
3.	мустақил ишлаш методи	фанлараро интеграциялашув асосидаги ўқув материалига асосланиб мустақил иш ва ижодий топшириқлар бериш
4.	муаммоли изланиш методи	маъруза ва амалий машгулотлар давомида қўлланилиб, талабаларни ўзлаштирган билим ва кўникмаларини муаммоли вазиятларда қўллаши орқали ўқув материалини пухта ўзлаштириш имконини беради
5.	бўлажак ўқитувчилар фаолиятини рағбатлантириш ва асослаш методи	уларнинг дарсдаги фаолиятини назорат қилиш ҳамда уларни фаол иштирок этишини рағбатлантириб боришдан иборат

Ўқув фанларида фанлараро боғланишларни амалга оширишда таълим воситалари, тамойиллари ҳамда шаклларида куйидагича фойдаланилди (2-жадвалга қаранг):

2-жадвал.

**Фанлараро боғланишда фойдаланилган таълим воситалари,
тамойиллари ва шакллари**

№	Таълим воситалари, тамойиллари ва шакллари	Таълим воситалари, тамойиллари ва шаклларида фанлараро боғланишда фойдаланиш ҳолати
1.	Таълим воситалари	кўргазмали куроллар, буклетлар, ёзма сўровнома, оммавий воситалардан (журнал мақола, ўқув ва услубий қўлланмалар, дарслик ҳамда рисолалар, “Математикани ўқитишда фанлараро интеграция” ўқув мажмуаси, дидактик материаллар, ностандарт тестлар, жадвал ва чизмалар, компьютер воситалари) унумли фойдаланилди. Бу эса, талабаларнинг ўқув мотивларини кучайтириш орқали фаолликка йўналтириш ва рағбатлантиришнинг устуворлигини таъминлайди
2.	Таълим тамойиллари	илмийлик тамойили, таълим ва тарбиянинг узвийлиги тамойили, онглилик тамойили, узвийлик тамойили, ўқитишнинг табақалаштириш ва индивидуаллаштириш тамойили, инсонпарварлаштириш тамойилларидан фойдаланилди
3.	Таълим шакллари	бўлажак ўқитувчилар учун фанлараро алоқадорлик асосида таълим жараёнига тайёрлашни такомиллаштиришга оид кўшимча материаллар тўплаш ва сараланган ҳолда мустақил таълимда тадбиқ этилиши талабаларни ўз устида ишлаши фан юзасидан ўқув билиш фаолиятини ривожлантиришда унумли фойдаланилади

Педагогика олий таълим муассасида ўқитиш жараёнида “фанлараро боғланишлар” тушунчасининг кўп маънолиги ва кўп қирралилиги шуни кўрсатдики, ушбу тушунчанинг моҳияти бир хил таърифга эга бўлиши мумкин эмас экан. Фанлараро боғланишлар ҳодисаси кўп ўлчамли. Мазкур тушунчанинг маъноли аҳамиятини тартибга солиш, худди фанлараро боғланишларнинг турларини тартибга солиш каби, фақатгина тизимли ёндашув асосида бўлиши мумкин. “Фанлараро боғланиш” дидактик ҳодисаси тизим сифатида учта элементдан иборат тузилмага эга:

битта фан соҳасига оид билимлар (малакалар); бошқа фан соҳасига оид билимлар (малакалар);

бу билимлар (малакалар)нинг ўқитиш жараёнидаги боғланишлари.

Бўлажак ўқитувчилари учун фанлараро алоқадорлик асосида таълим жараёнига тайёрлашни такомиллаштиришнинг фаол методлари (тахлилий, қиёсий, мантикий, мустақил ишлаш, муаммоли изланиш) ва воситалари (кўргазмали куроллар, дарс ишланмалар, дидактик таркатмалар) асосида методик модели ишлаб чиқилди (1-расмга қаранг):



1-расм. Бўлажак ўқитувчиларнинг фанлараро алоқадорлик воситасида касбий компетенцияларини такомиллаштириш модели

Ушбу моделда бўлажак ўқитувчининг педагогик фаолияти самарадорлигини оширишга асосланган куйидаги дидактик функциялар асосида амалга оширилди:

билимларни тиклаш таълим мазмунида таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларда фанлараро алоқадорлик (кимё, биология, география) юзасидан мантикий фикрлашга ўргатиш;

билимларни янгилаш, бўлажак ўқитувчиларда фанлараро алоқадорлик (кимё, биология, география) юзасидан ўзлаштирган билимларини кенгайтириш, аниқ далиллар асосида ривожлантириш;

билимларни коррекциялаш, бўлажак ўқитувчиларда фанлараро алоқадорлик (кимё, биология, география) юзасидан ўзлаштирган билимларини таҳлил қилиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиб бориш;

билимларга амал қилиш, бўлажак ўқитувчиларда фанлараро алоқадорлик (кимё, биология, география) юзасидан давомида амал қилиш орқали шахсий эътиқодга айлантириш;

башорат қилиш, бўлажак ўқитувчиларда фанлараро алоқадорлик (кимё, биология, география) юзасидан ўзлаштирган билимларини шахсий эътиқодга айлантирилиши ва илмий дунёқарашини ривожлантириш.

Бўлажак ўқитувчилар ва улар орқали умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида реал ҳаёт ҳақидаги, материя ҳаракатининг турли шакллари ўртасидаги боғланишларни акс эттирувчи билимларнинг умумий тизимини шакллантириш, фанлараро боғланишларнинг асосий таълим вазифаларидан бири. Яхлит илмий дунёқарашни шакллантириш фанлараро боғланишларни албатта ҳисобга олишни талаб қилади. Тарбияда мажмуавий ёндашув педагогика олий таълим муассасида ўрганиладиган махсус курслар, шунингдек, психологик-педагогик ва методик фанларнинг фанлараро боғланишлар вазифасини кучайтиради. Бундай шароитда кўрсатиб ўтилган фанларнинг ҳам ўзаро, ҳам гуманитар ва техник туркум фанлари ўртасидаги боғланишлари мустаҳкамланади, билимларни кўчириш, улардан фойдаланиш ва ҳар томонлама фикрлаш кўникмалари яхшиланади.

Диссертациянинг **“Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва унинг натижалари”** деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишлар мазмуни, мақсади, вазифалари, унинг ташкил қилиш ва натижалар таҳлили баён қилинган.

Талабаларни касбий-педагогик ва методик тайёрлаш жараёнида уларда фанлараро боғланишларни амалга ошириш малакаларини шакллантириш бўйича экспериментал ишлар Тошкент давлат педагогика университети, Қўқон давлат педагогика институти, Андижон давлат университетлар базасида олиб борилди.

Экспериментал тадқиқотнинг мақсади талабаларни касбий-педагогик ва методик тайёрлаш жараёнида фанлараро боғланишларни амалга ошириш малакалар тизимини шакллантиришнинг ишлаб чиқилган методикаси самарадорлигини текширишдан иборат эди. Педагогик экспериментда кўрсатиб ўтилган педагогика университети методика кафедралари ўқитувчилари ва

табий-фанлар факультетларининг талабалари қатнашдилар. Тадқиқотда, “Кимё”, “Биология” “География” таълим йўналишларининг 458 нафар талабалари қамраб олинди (3-жадвалга қаранг):

3-жадвал.

Тажриба-синов ишларида экспериментал ва назорат гуруҳларга бириктирилган респондентлар контенти

ОТМ номи	Жами респондентлар			Экспериментал гуруҳ			Назорат гуруҳи			Умумий		
	география	Кимё	Биологи	география	Кимё	Биологи	география	Кимё	Биологи	Экспериментал гуруҳ	Назорат гуруҳи	ОТМ миқёсида
Тошкент давлат педагогика университети	51	50	52	26	25	27	25	25	25	78	75	153
Қўқон давлат педагогика институти	50	51	49	25	25	25	25	26	24	75	75	150
Андижон давлат университети	53	52	50	26	26	25	27	26	25	77	78	155
Жами	154	153	151	77	76	77	77	77	74	230	228	458

Тадқиқот уч босқичда ўтказилди. Биринчи босқичда тадқиқотнинг методик, психологик-педагогик ва методик асосларини тушуниш, педагогика олий таълим муассасида талабаларни касбий тайёрлаш жараёнида фанлараро боғланишларни амалга оширишга тайёрлашнинг мавжуд амалиётини таҳлил қилиш, қайд қилувчи эксперимент методикасини ишлаб чиқиш каби ишлар бажарилди.

Назарий-экспериментал тадқиқотнинг иккинчи босқичида ҳаракатлар дастури ишлаб чиқилди ва бўлажак ўқитувчиларда касбий-педагогик ва методик тайёрлаш жараёнида фанлараро малакаларни шакллантириш бўйича тажриба-экспериментал ишлари ўтказилди.

Учинчи босқичда шакллантирувчи эксперимент давом эттирилди, талабаларнинг мактабдаги педагогик амалиёт даврида фанлараро боғланишларни амалга оширишга тайёргарлик ҳолати текширилди, олинган натижалар таҳлил қилинди, умумлаштирилди ва тизимлаштирилди


Фанлараро хусусиятга эга биз аниқлаган билим ва малакалар тизимини ҳисобга олган ҳолда қулайлик учун уларни тегишли усулда белгилаб олдик (БМ – билим ва малака): БМ₁– когнитив компонент,

БМ₂ – конструктив компонент,


- БМ₃ – ташкилий компонент,
- БМ₄ – коммуникатив компонент,
- БМ₅ – йўналтирувчи компонент,
- БМ₆ - сафарбар қилувчи компонент,
- БМ₇ – тадқиқотчилик компоненти.

Юқоридаги ҳисоблаш натижалари ва диаграмма кўрсаткичларига асосланиб, БМ₁ – когнитив компонент 1,17 (17%), БМ₂ – конструктив компонент – 1,16(16%), БМ₃ – ташкилий компонент – 1,16(16%), БМ₄ – коммуникатив компонент – 1,15(15%), БМ₅ – йўналтирувчи компонент -1,17(17%), БМ₆ – сафарбар қилувчи компонент – 1,14(14%) ва БМ₇ – тадқиқотчилик компоненти – 1,13(13%) га ошганлигини кўриш мумкин.

Ҳар бир олий таълим муассасалари бўйича ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари аниқланди (2-3-расмларга қаранг):




2-расм. Олий таълим муассасалари бўйича ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи




3-расм. Олий таълим муассасалари умумий малакалари бўйича ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи

Ҳар бир олий таълим муассасалари бўйича самарадорлик кўрсаткичлари аниқланди (4-5-расмларга қаранг):



4-расм. Олий таълим муассасалари бўйича самарадорлик кўрсаткичи



5-расм. Олий таълим муассасалари умумий малакалари бўйича самарадорлик кўрсаткичи

Ушбу ҳисоб китоб натижаларига кўра, олиб борилган тадқиқот ишлари самарадорлиги ўртача 15 % га юқори эканлиги статистик усуллар ёрдамида кўрсатилди ва олиб борилган тадқиқот иши натижалари самарали эканлиги исботланди.

ХУЛОСА

«Фанлараро алоқадорлик воситасида бўлажак ўқитувчиларни касбий компетентцияларини ривожлантириш» мавзусидаги педагогика фанлари бўйича фалсафа доктор (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Фанлараро боғланишлар педагогика олий таълим муассасасида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнини такомиллаштирининг энг муҳим омили ҳисобланади.

2. Фанлараро боғланишларнинг методологик функцияси улардан талабалар томонидан билимларни тизимли ўзлаштирилиши методи сифатида ҳамда ўқув фани тизимида тайёрлаш жараёнини, уни бир яхлитга ташкиллаштиришни такомиллаштириш методи сифатида фойдаланилганида таъминланади.

3. Педагогика олий таълим муассасасида фанлар асосларини ўқитишнинг маҳсулдорлигини оширишда ҳал қилувчи роль турли ўқув фанларининг мазмунини мақсадга йўналтирилган ҳолда танлаб олиш ва такомиллаштиришга тегишли бўлиб, бу ўқув фанлари фақатгина ўзаро мослаштириш ва мувофиқлаштириш, талабаларнинг ўрганилаётган фанларни ўзлаштиришда эгаллаган билим, малака ва кўникмалоарини кенг кўчириш шароитидагина натижа бериши мумкин.

4. Тизимли ёндашув ўқитишда фанлараро боғланишларнинг кўпқирралилигини ва полифункционалигини очиқ беришга қаратилган бўлиб, ўқув фани тузилмаси ва ўқув жараёни тузилмасини (унинг мазмуни, методлари,

ташқил қилиш шакллари) батафсил таҳлил қилишдан кенг фойдаланишдан иборат.

5 Ўқув фанлари ўртасидаги фанлараро боғланишининг таҳлили қаралаётган ўқув фанлари ўрганадиган умумий масалалардан бошланади. Фанлар боғланишининг таҳлили у ёки бу фаннинг тадқиқот объекти ва предмети таҳлил қилишдан бошланади.

6 Педагогика олий таълим муассасасида изчиллик – илмий соҳа – ўқув фани, умумий ўрта таълим мактабида – ўқув фани таҳлил тамойили ҳисобланади.

7. Талабанинг ўрта мактабда фанлараро боғланишни амалга ошириш бўйича фаолиятининг касбий аҳамиятга эга бўлган натижаларини педагогик амалиёт даврида баҳолаш мумкинлиги, шунинг учун ҳам талабанинг фаолияти педагогика олий таълим муассасасида касбий тайёргарликнинг инвариант тизимига – мактабда у ёки бу фанни ўқитиш тизимига бўйсунуши аниқланди.

**УЧЁНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ ПОД НОМЕРОМ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ЮСУПОВА НАЗОКАТХОН ВАХОБХОН КИЗИ

**«РАЗВИТИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ БУДУЩИХ
УЧИТЕЛЕЙ ЧЕРЕЗ СРЕДСТВАМИ МЕЖПРЕДМЕТНЫХ СВЯЗЕЙ»**

13.00.01- Педагогическая теория. История педагогического учения

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ.**

Тошкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под № В 2020.1. PhD\Ped 706.

Докторская диссертация была выполнена в Ташкентском педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (русский, узбекский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Учёного совета: www.tdpu.uz и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet»: www.ziyonet.uz.

Научный руководитель:

Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
доктор педагогических наук, профессор

Расмий оппонентлар:

Ибрагимов Холбой Ибрагимович
доктор педагогических наук, профессор

Исакулова Нилуфар Жаникуловна
доктор педагогических наук, профессор

Ведущая организация:

Наманганский государственный университет

Защита диссертации состоится «___» _____ 2021 года в ___ часов на заседании Учёного совета № DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете по адресу: 100185, г.Ташкент Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом №27. Тел (99871)276-79-11; факс (99871)276-80-86, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована под № _____). Адрес : 100011, г Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом № 27. Тел: (99871)276-79-11, факс: (99871)276-80-86

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021г
(реестр протокола рассылки № _____ от «___» _____ 2021г

М.Э.Хайдаров
Председатель Учёного совета
по присуждению ученых степеней
доктор педагогических наук, профессор

Р.Г.Исянов
Секретарь Учёного совета
по присуждению ученых степеней
кандидат педагогических наук

НА.Муслимов
Председатель научного семинара при Учёном совете
по присуждению ученых степеней
доктор педагогических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (PhD)).

Актуальность и востребованность темы диссертации. В высших учебных заведениях мира внедрены креативные модели совершенствования подготовки будущих учителей к организации образовательного процесса на основе межпредметных связей. В новой концепции образования до 2030 года, принятой международными организациями и развитыми странами, образование признаётся «как движущая сила, ведущая развитие к сильным и устойчивым целям»³. Реализуются крупные проекты по совершенствованию методики обучения, развитию дидактической и методической подготовки студентов на основе передового зарубежного опыта, созданию электронно-информационных образовательных ресурсов, совершенствованию образовательного процесса на основе креативных моделей, использованию современных информационно-коммуникативных технологий.

В мире ведутся исследования по развитию профессиональной компетентности учителей в образовательных и исследовательских учреждениях через совершенствование математической подготовки, создание педагогических механизмов оптимизации учебного процесса, средствами межпредметных связей, проблемное обучение, синтез заданий, совершенствование системы дидактических данных. В то же время особое внимание уделяется первичной фундаментальной подготовке будущих учителей в сфере образования, системному подходу к установлению средствами межпредметных связей в содержании учебных дисциплин, улучшению существующих объективных связей между разными областями математики, исследовательской работе по улучшению средствами межпредметных связей при преподавании учебных предметов и курсов.

В нашей республике модернизация высшего образования создала нормативную базу для повышения качества профессиональной подготовки учителей на основе зарубежного опыта, для улучшения психолого-педагогической и методической подготовки студентов педагогических вузов, для формирования у студентов высокой компетентности. Развивается материально-техническая база учебных заведений. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан приоритетом определено «дальнейшее совершенствование системы непрерывного образования, подготовка высококвалифицированных кадров, кардинальное повышение качества общего среднего образования»⁴. В результате создаются условия для профессиональной подготовки учителей, применения принципов средствами межпредметных связей в учебном процессе.

Данное диссертационное исследование способствует реализации задач, определенных в Указах Президента Республики Узбекистан № ПУ-4947 от

³ Incheon declaration // Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015. Incheon, Republic of Korea). – 48 p.

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. № 6(766), 70–модда.

7-февраля 2017 года “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, № ПП-2909 от 20 апреля 2017 года “О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования”, № ПП-3151 от 27 июля 2017 года “О мерах по расширению участия отраслей и секторов экономики в повышении качества подготовки специалистов с высшим образованием”, и в других нормативных правовых актах, относящихся к данной области.

Соответствие исследований приоритетам развития науки и технологий республики. Данное исследование проводилось в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики “Духовное, нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики”

Степень изученности проблемы. В области использования информационных технологий в междисциплинарном общении проводили исследования А.Б.Абдуллаева, З.Э.Азимова, Г.Р.Алиматова, С.Алихонов, С.Т.Алиқулов, М.Арипов, И.В.Макухина, Х.Б.Норбўтаев, А.А.Саломов, А.Ч.Чориев, А.В.Усова. Научно-исследовательскую работу по повышению качества междисциплинарного общения проводили Б.Н.Алимов, Й.М.Асадов, С.Н.Акбарова, С.Бабаджонов, Р.Файзуллаев, Н.А.Муслимов К.З.Маматкаримов, Н.Ш.Турдиев, Д.Ш.Темиров, М.М.Ваҳобов, А.А.Хасанов. занимались

